



ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА “СУПЕР ВАЙФАЙ” ҚУРИЛМАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ, РАҚАМЛИ ХИЗМАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Мустафоев Голиб Султонмуродович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти вазифасини бажарувчиси, PhD. Тошкент, Ўзбекистон. gmustafojev@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i37

Аннотация

Илмий мақола Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида интернет ва алоқа хизматларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи, фаровонлиги, орзу ва умидлари, иш жойларини ошириш имкониятлари ва умуман рақамли иқтисодиётни қишлоқ жойларида ривожлантиришда “Супер вайфай” қурилмасини жорий қилиш орқали юқоридаги имкониятларни янада жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ аҳолисини 100 фоиз интернет манбаи билан таъминлаш мақсадга мувофиқ эканлиги, айнан мана шу имкониятлар қишлоқ жойларида рақамли хизматларнинг янада жадал ривожланишига ва соҳалар интеграциясига олиб келадиган имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар: Супер вайфай, алоқа хизматлари, аҳоли, қишлоқ жойлари, рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар, интернет, оптик тола, харажатлар, рақамли хизматлар.

ВНЕДРЕНИЕ УСТРОЙСТВА “СУПЕР ВАЙФАЙ” В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ - ОСНОВНОЙ ФАКТОР РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОГО СЕРВИСА И ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Мустафоев Голиб Султонмуродович

и/о доцент, Самарқандского института экономики и сервиса. PhD. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

Научная статья о развитии и эффективности интернета и услуг связи в сельской местности Республики Узбекистан, их эффективном использовании для развития страны, образе жизни, благополучии, мечтах и надеждах сельских жителей, возможностях увеличения рабочих мест и развития цифровой экономики в сельской местности за счет внедрения устройства «Супер Wi-Fi» целесообразно обеспечить сельское население 100-процентным интернет-источником, связанное с дальнейшим ускорением вышеуказанных возможностей, обосновано, что эти возможности ведут к более быстрому развитию цифровых услуг в сельской местности и интеграции отраслей.

Ключевые слова: Супер вайфай, услуги связи, население, сельская местность, цифровая экономика, цифровые технологии, интернет, оптоволокно, затраты, цифровые услуги.

THE INTRODUCTION OF THE "SUPER WAIFAY" DEVICE IN RURAL AREAS, THE MAIN FACTOR IN THE DEVELOPMENT OF DIGITAL SERVICE AND THE DIGITAL ECONOMY

Mustafojev Golib Sultonmurodovich

docent Samarkand Institute of Economics and service, PhD. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

Scientific article on the development and efficiency of Internet and communication services in rural areas of the Republic of Uzbekistan, their effective use for the development of the country, the lifestyle, well-being, dreams and hopes of rural residents, opportunities to increase jobs and the development of the digital economy in rural areas through the introduction of the "Super Wi-Fi" device it is reasonable to provide rural population with 100 percent internet source related to the further acceleration of the above possibilities, it is justified that these possibilities lead to more rapid development of digital services in rural areas and integration of sectors.

Key words: Super Wi-Fi, communication services, population, rural areas, digital economy, digital technologies, internet, fiber optics, costs, digital services.

Кириш

Янги Ўзбекистонни шакллантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади. Аҳолининг талаби ҳошиш истаклари, эртаси ва бугуни ривожланган иқтисодиёт тасаввурида ҳам рақамли иқтисодиёт замонавий иқтисодиётнинг бош омили ҳисобланади. Мана шу бош омил барча иқтисодий муаммоларнинг ечими сифатида қишлоқ жойларидаги аҳоли ва корхоналар, бирлашма ва ташкилотлар умуман олганда жисмоний ва юридик мақомдаги аралаш мулк эгаларининг самарали фаолиятини таъминлашга хизмат қилади. Хўш, ушбу бош омил қишлоқ жойларида иқтисодий муаммоларни хал этар экан, қишлоқ жойларида рақамли иқтисодиётнинг ҳолати қандай деган савол пайдо бўлади. Қишлоқ жойларида рақамли иқтисодиётнинг ривожланишига интернет алоқа линиялари мавжудлик ҳолати муҳим фактордир. Сабаби ҳар қандай рақамли иқтисодиётнинг асосий воситаларидан бири интернетдир. Аммо, қишлоқ жойларида интернет алоқа линиялари қамров даражаси анча паст. Мобил телефонларга хизмат кўрсатувчи алоқа правайдерлари интернетни чегараланган, бунинг устига анча қиммат бўлиб, алоқа сифати ҳам паст ва бир вақтнинг ўзида бир нечта қурилмаларга ўланишда турли муаммолар келтириб чиқаради. Бу муаммолар ҳали ўз ечимини топгани йўқ. Шу сабабли, қишлоқ жойларини интернет билан таъминлашда оптик толали интернет тармоғи юқори тезликдаги интернетни тақдим этади. Қишлоқ жойларида оптик толали юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, қишлоқ аҳолисига замонавий интернетни тақдим этиш, мамлакат олдида турган долзарб вазифадир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Рақамли иқтисодиёт, рақамли хизматлар назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган аммо кўпчилик иқтисодчилар томонидан илмий адабиётларда уларнинг назарий қарашларини учратиш мумкин. Масалан, цивилизациянинг постиндустриал ривожланиш босқичи «ахборот жамияти» ва «хизматлар иқтисодиёти» деб ҳам номланган. Д.Белл постиндустриал жамиятга қуйидагича таъриф беради: “авваламбор бу хизматларга асосланган жамиятдир”¹ деб таърифлаб замонавий иқтисодиётда ахборот алмашув ортишини асослайди. Шунингдек “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “Мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиқтисодиёт ёки рақамли

¹ Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / пер. с англ. М: Academia 1999 с 169.

иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт)² каби илмий қарашларини илгари суришган. Олимларнинг умумий нуқтаи назарлари рақамли иқтисодиётда алоқа воситалари муҳим рол ўйнашига эътибор қаратганлар. Шу сабабли юқоридаги олимлар рақамли иқтисодиётда хизматлар соҳаси муҳим ўринга эга деб талқин этишган. Н.В.Васеленко, И.В.Венгерова хизмат кўрсатиш соҳасини ижтимоий томонлари сифатида “меҳнат унумдорлигини ошириши, мамлакат иқтисодиётини малакали меҳнат ресурслари билан таъминлаши, иқтисодий жихатдан мамлакат иқтисодиётида технологик ўзгаришлар, мураккаб турдаги хизмат кўрсатиш марказлари очилади”³ деб умумий нуқтаи назардан ижтимоий-иқтисодий ёндошганлар. Ш.Х.Саттаров “Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти уни моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминлашда аниқ йўналишлар белгиланганлиги билан изоҳлайди Жумладан, биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан қўлайлик ва имкониятлар берилаётганлиги, имтиёзли кредитларнинг ажратилаётганлиги; иккинчидан, хизмат кўрсатишнинг қай даражада ривожланганлиги мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ифода этишини характерлаши билан боғлиқлиги. Учинчидан, хизмат кўрсатишга ажратилаётган турли йўналишдаги кредитларнинг соҳада аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга, иш билан таъминлашга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир”⁴ деб таъкидлайди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ҳаётидаги мавқеини ошириш ва мустаҳкамлаш учун унинг ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини асослаб беришнинг ўзи етарли эмас. Чунки хизмат кўрсатиш соҳаси кишиларни билимли, маъданиятли, соғлом, маънавий жихатдан бой, дунё қараши кенг, комил инсон қилиб тарбиялашда, моддий неъматларни асраб-авайлаб, оқилона, тежамкорлик билан ишлатишга ўргатишда катта аҳамиятга эга⁵. Шу сабабдан хизмат кўрсатиш соҳаси қишлоқ жойларини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақола қишлоқ жойларида рақамли хизматларни ривожлантириш мақсадида “Супер вайфай” қурилмасининг қишлоқ аҳолиси фаровонлигига таъсири тадқиқотларига бағишланган. Тадқиқот ишида статистик қиёсий таҳлил, социологик таҳлил, илмий ва амалий таҳлил усулидан унумли фойдаланилганлиги, олдинга қўйилган мақсадларни ечишда, алоқа хизматларини ривожлантириш орқали, қишлоқ аҳолисини рақамли хизматлар билан таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Таҳлил ва натижалар

Қишлоқ жойларини интернет билан таъминлаш орқали қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлиги ортади. Аҳолининг эhtiёжлари электрон усулдан фойдаланган ҳолда қондириш, корхоналарнинг интернет электрон савдо

² С.С. Гулямов, Р.Х. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.

³ Васеленко Н.В., Венгерова И.В. Роль сферы услуг в развитии современной экономики. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. №2., 2012.

⁴ Саттаров Ш.Х. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Самарақанд 2022 йил

⁵ Мардонов Б.Б. “Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Самарақанд 2018 йил

линияларига боғланиш умуман олганда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг самарадорлиги каби кўплаб иқтисодий категорияларининг замонавий имкониятлари пайдо бўлади.

Бу имкониятлар қишлоқ жойларида соҳаларнинг равнақ топишида рақобатбардош бозорлар пайдо бўлишига аҳолининг бандлигига олиб келади.

Қишлоқ жойларида аҳолининг интернет билан таъминланганлигини ўрганиш мақсадида бизлар Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидан Ногохон, Наймантепа, Дехқонобод, Зарафшон, Сариқипчоқ қишлоқ маҳалларини Нарпай туманидан Саловат, Ипак йўли, Иймон, Турон, Сарбозор маҳаллаларини ўргандик. Жомбой туманидаги маҳаллаларни ўрганишдан мақсад Самарқанд шаҳар ҳудудига яқин эканлигини инобатга олиб интернет қамров даражасини баҳолашдир. Нарпай тумани шаҳар ҳудудидан узоқ масофада жойлашганлиги сабабли қишлоқ аҳолисининг интернет қамров даражасини баҳолашда мақсадга мувофиқ ҳудудлар деб танлаб олинди.

1-жадвал

Қишлоқ жойларида интернет провайдерлар фаолияти ва аҳоли таъминланганлиги тўғрисида 2022 йил октябрь ойи маълумоти⁶

№	Номланиши	Жомбой тумани					Нарпай тумани				
		Маҳалла фуқаролар йиғини номи					Маҳалла фуқаролар йиғини номи				
		Ногохон	Наймантепа	Дехқонобод	Зарафшон	Сариқипчоқ	Саловат	Ипак йўли	Иймон	Турон	Сарбозор
1	Аҳоли сони	6700	4382	5200	5234	3250	3532	3234	3457	3412	3648
2	Интернет билан таъминланган аҳоли сони	25	60	2879	250	10	2473	970	15	60	2189
3	Ҳудуд аҳолисининг интернет билан қамров даражаси фоизда	0,3	1,3	55,3	4,7	0,3	70,0	30,0	0,4	0,4	60,0

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Жомбой туманидаги Ногохон маҳалла фуқаролар йиғинида 6700 нафар аҳоли бўлиб, интернет билан қамров даражаси 0,3 фоизни ташкил этган. Сариқипчоқда ҳам аҳоли интернет билан қамров даражаси 0,3 фоиз бирликни қайд этган. Аҳоли қамрови бўйича Наймантепа 1,3 фоиз бирликни, Зарафшон 4,7 фоиз бирликни ва ўрганилаётган тадқиқот объектлари бўйича Дехқонобод 55,3 фоиз бирлик аҳоли қамрови билан юқори ўрин эканлигини кўриш мумкин. Нарпай туманида Иймон ва Турон ҳудуди оптик толали интернет аҳоли қамрови 0,4 фоиз бирликни, Ипак йўли маҳалласида жами аҳолининг 30,0 фоиз қамрови, Сарбозорда жами аҳолининг 60,0 фоизи, Саловатда жами аҳолининг 70,0 фоиз оптик толали интернет билан қамраб олинганлигини кўриш мумкин. Жомбой туманида ўрганилган 5 та ҳудуднинг ўртача интернет билан қамров даражаси 12,4

фоизни ташкил этмоқда. Нарпай туманининг ўрганилган 5 та ҳудуди бўйича қамров даражаси 20,1 фоизни ташкил этган. Тадқиқотлар шундан далолат берадики, қишлоқ жойларида аҳолининг интернет билан қамров даражаси кўнгилдагидек эмас.

Қишлоқ жойларида аҳолининг интернет билан қамров даражасини ошириш учун давлат олдида маъсулиятли, кечиктириб бўлмайдиган вазифа турганлигидан далолат беради.

Бизнинг назаримизда қишлоқ жойларида оптик толали интернет билан қамров ва аҳолининг уланиш даражасининг пастлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

Биринчидан, интернет провайдерларининг харажатлар билан боғлиқ моддий-техник базасининг етишмаслиги;

Иккинчидан, аҳоли уланишининг харажатлар билан боғлиқлиги ва бу харажатларни қишлоқ аҳолиси истамаслиги;

Учинчидан, қишлоқ ҳудудларида электр энергиясидаги узулишлар;

Тўртинчидан, қишлоқ аҳолисининг турғун даромад манбасига эга эмаслиги;

Бешинчидан, чекка қишлоқларга оптик толали интернет тортиш жуда катта харажат талаб этиши;

Олтинчидан, Қишлоқ жойларда аҳоли хонадонларининг тарқоқ жойлашуви каби бошқа омиллар таъсир этади.

Юқорида келтирилган муаммоларни тўла бартараф этиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ўзгаришига олиб келади. Масалан қишлоқ жойларида соҳаларда банд аҳолининг маълумотлар алмашинув даражасини тезлаштиради, қишлоқ аҳолисининг замонавий ва тезкор ахборот билан таъминлайди, соҳалар интеграциясини оширади, қишлоқ аҳолисининг янги талаби пайдо бўлишига олиб келади.

Рақамли иқтисодиёт воситаларининг қишлоқ жойларида ривожланиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг асосий фондлар миқдори ортишига янги хизмат турлари пайдо бўлишида давоми этади. Бундай иқтисодиётда инсоннинг меҳнат муносабатлари ва меҳнат унумдорлиги ортади аммо, ахборот асрида соҳада банд ишчи кучидан юқори аниқлик талаб этилади. Шунга қарамасдан бундай муаммолар ечилиши ёш авлоднинг мобил телефонлардан фойдаланиш билан алоқа линияларига уланиш, рақамли иқтисодиёт технологияларидан фойдаланиш, каби кучли талабидан улардан фойдаланиш кўникмаларини пайдо қилади.

Шу масалалардан келиб чиқиб қишлоқ жойларида рақобатбардош иқтисодиётни барпо қилиш албатта харажатлар билан боғлиқ, ёшларнинг юқоридаги кўникмасини мустахкамлашга, корхоналарнинг самарадорлигини оширишга алоқа хизмати учун харажатлар қилинади ва қилиниши ҳам зарур. Шу сабабли бизнинг назаримизда қишлоқ жойларида аҳолининг интернетга уланиши ва сарфлаши мумкин бўлган интернет харажатларини тўғри таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики интернетга уланишга битта хонадонга 150, 280, 400 метргача интернет олиб кириши учун ўзи кабел сотиб олиши керак (Баъзи хонадонлар 100 метр баъзи хонадонлар 1000 метр кабел сотиб олиши мумкин. Чунки қишлоқ жойларида хонадонлар тарқоқ ҳолатда жойлашган). Кабел ўртача 276,6 метрни ташкил этиб, ўртача 2500 минг сўмдан ҳисобланганда 691666 минг сўм сарфлайди. Интернетга уланишда битта хонадон 170000 минг сўмлик ойлик тўловга уланади ва 12 ойга роутерни сотиб олиш нархи билан тўловни амалга оширади. Ушбу роутер “Хуавей” технология асосида ишловчи оптик тола тўғридан – тўғри

уланувчи роутердир (Истеъмолчи ушбу ҳозирги вақтдаги 695000 минг сўмлик роутерни бирдан сотиб олиши ҳам мумкин. Агар сотиб олинганда энг арзон ойлик интернет тўлови 109990 минг сўмни ташкил этади). Бир марталик уланиш, кабел тортиш, роутерни установка қилиш каби компания ўз ходимини юбориб хизмат кўрсатиши дастлабки хизмат тўлови 45000 минг сўмни ташкил этади. Умумий ҳисоблаганда жами харажатлар кабел тўлови 691666 минг сўм, роутернинг сотиб олинган 12 ойлик ҳар ойда тўланадиган 170000 минг сўм ва 45000 минг сўм дастлабки хизмат кўрсатиш тўлови (691666 + 170000 + 45000 = 906666 минг сўм) билан жами 906666 минг сўмни ташкил қилади.

Қишлоқ аҳолиси ҳам интернет алоқа хизматидан фойдаланишни истайди аммо, қишлоқ жойларида яшовчи кўпчилик аҳолининг муқим даромад манбайи билан таъминланмаганлиги ва таъминланганлари ҳам юқори иш ҳақиға эға эмаслиги сабабли 906666 минг сўмлик харажатлар оғирлик қилади. Шу сабабли ушбу оила вакиллари топаётган даромадларини бошқа бир ўзлари муқим деб белгилаган нарсаларға сарфлашға интилади.

2-жадвал

Қишлоқ жойларида аҳолининг оптик толали интернетға уланиш нархи ва харажатлар динамикаси⁷

№	Кўрсаткичлар					
1.	Интернетға уланиш учун битта хонадон сотиб олиши зарур бўлган оптик толали кабел масофаси			Интернетға уланиш учун битта хонадон сотиб олиши зарур бўлган роутер сўм миқдори		Дастлабки уланиш хизмати миқдори (Компания ходимини юбориб улаш хизмати амалға оширгани учун) 45000 сўм
1.1	150 метр	280 метр	400 метр	595000 сўм	695000 сўм	
1.2	Ўртача кабел 276,6 метр			Ўртача 645000 сўм		
2.	Кабел нархи (метри учун).					
2.1	2000 сўм	2500 сўм	3000 сўм	150000 сўм (ойлик тўлов)	170000 сўм (ойлик тўлов)	
2.2	Ўртача нарх 2500 сўм					
2.3	Ўрта кабел нархи 691666 сўм					
Жами харажатлар						
3	691666			170000		45000
Жами умумий харажат						
4	906666 минг сўм					

Бизнинг назаримизда қишлоқ аҳолиси 800000 минг сўм ортиқча харажат қилмоқда. Бу харажатларни 8 баробарға қисқартириш ва интернет хизматлари билан қишлоқ ҳудудларини 100 фоизға таъминлаш имконияти мажуд.

Бунинг учун мамлакатимизда хориж тажрибасидан фойдаланиш мақсадға мувофиқ. Масалан Таиланд, Сингапур тажрибаларида қишлоқ жойларини интернет

⁷ Ушбу жадвал муаллифнинг тадқиқотлари ва Узтелекомнинг 1084 рақамида операторнинг берган маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган (16.10.2022 йил).

билан таъминлашда замонавий усулдан фойдаланади ва уни булар “Супер вайфай” деб аташади. Хориж тажрибасидан фойдаланиб Мамлакатимиз қишлоқ жойларида ҳам “Супер вайфай” интернет тизимини жорий этиш орқали қишлоқ аҳолисини 100 фоиз интернет билан таъминлаш мумкин. “Супер вайфай”нинг қулайликларидан яна бири ортиқча кабел ва роутерга эҳтиёж йўқлигида.



1-расм. “Супер вайфай”нинг қишлоқ жойларига ўрнатилган кўриниши

1-расмдан кўриш мумкинки қишлоқ жойларида “Супер вайфай”нинг баландликка ўрнатилиши орқали аҳолига хизмат кўрсатади ва аҳоли қамров даражаси 10000 минг кишидан 15000 минг аҳолигача қишлоқ жойларида уланаолади.

3-жадвал

Қишлоқ жойларига мослашган “Супер вайфай”нинг турлари ва хусусиятлари⁸

№	Номланиши	Хизмат кўрсатиш хусусияти
1	Max. LOS SPE	4 км (2.4 GHz) 1.7 км (5 GHz)
2	Max. LOS Smartphones	1.7 км (2.4 GHz) 900 м (5 GHz)
3	Max. LOS Bridge	30 км (5 GHz)
4	Max. Data Rate	300 + 867 Мбпс

3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки “Max. LOS SPE” номли “Супер вайфай” 4 километрлик 2.4 GHz ва 1.7 километрлик 5 GHz алоқани таъминлайди. “Max. LOS Smartphones” 1.7 километрлик 2.4 GHz ва 900 метрлик 5 GHz алоқа масофага хизмат кўрсатади. Бизнинг назаримизда энг оптимал варианты жадвалнинг 3-4 устунда келтирилган “Супер вайфай” турларидан қишлоқ жойларида фойдаланиш кўпроқ самара беради. “Max. LOS Bridge” ва “Max. Data Rate” турлари 30 километр

масофагача хизмат кўрсатиб, интернет тезлики 300 мегабитдан 867 мегабит тезликгача хизмат сифатини кафолатлайди.

Хулоса ва таклифлар

Бизнинг назаримизда “Супер вайфай”дан фойдаланиш жараёнига ўтиш “Узтелеком”, “Турон”, “Симус” каби компанияларнинг фаолият самарадорлигини 70 фоизга оширади. Сабаби, алоқа операторларининг кабел тортишга бўлган харажатлари тежалади ва қишлоқ жойларидаги аҳоли интернетга уланиш имкониятларини ошириб аҳолининг 100 фоизга интернет билан таъминлай олиш қобилиятини пайдо қилади.

Қишлоқ аҳолисининг бугунги кундаги бирмарталик интернетга уланиш учун кетадиган 906666 минг сўмлик харажати тежалади ва харажатларни 8 баробарга қисқартириш, интернет хизматлари билан қишлоқ ҳудудларини 100 фоизга таъминлаш имконини беради.

Таклиф сифатида айтиш мумкинки бу қурилмага уланишда ҳар битта абонент уланиш платформасига паспорти ШИР рақами билан кириб ўз хонадонидан нечта қурилмадан фойдаланиши сонини белгилаб, ҳар бир қурилманинг ИМЕИ кодидан киритади ва бир ойга масалан қурилмалар сонига қараб ҳар бир қурилма учун ойга 10 мингдан 15 минг сўмгача тўловни амалга оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / пер. с англ. М: Academia 1999 с 169.
2. С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 440 бет.
3. Жомбой туман статистика бўлими маълумотлари.
4. Нарпай туман статистика бўлими маълумотлари.
5. Васеленко Н.В., Венгерова И.В Роль сферы услуг в развитии современной экономики. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. №2., 2012.
6. Мардонов Б.Б. “Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Самарақанд 2018 йил
7. Саттаров Ш.Ҳ. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси – Самарақанд 2022 йил
8. <https://www.altaittechnologies.com/>